

Саудия Арабистони болаларнинг умра зиёратига бориши учун ёш чегарасини олиб ташлади



13:00 / 16.08.2022 1711

Шанба куни Ҳаж ва Умра вазирлиги томонидан эълон қилинган хушxabар эндиликда ота-оналар фарзандларини муқаддас масжидга олиб киришлари мумкинлигини тасдиқлади. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди. Вазирликнинг таъкидлашича, 5 ёшдан ошган болалар аввал, Eatmarna иловаси орқали рухсатнома олишлари, 5 ёшгача бўлган болалар эса кириш рухсатномасиз муқаддас масжидга киришлари мумкин.

Ҳаж ва Умра вазирлиги 30 июлдан кучга кирган қарор зиёратчиларнинг маданий ва диний тажрибасини бойитишга қаратилганини билдириб ўтган.

Шунингдек, 24 соатлик транзит визаси борлар ҳам Tawakkalna ёки Eatmarna иловасида аризаларни олдиндан банд қилиб, Умра зиёратини амалга ошириши мумкин.